

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

Самарқанднинг 2750  
йиллик юбилейнга  
багишланади

**F.Х.Кудратов, X.Ж.Мирзаев, М.К.Пардаев**

**АГРОСЕРВИСНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**ТОШКЕНТ - 2007**

65.32


Ғ.Х.Кудратов, Қ.Ж.Мирзаев, М.Қ.Пардаев. Агросервисни ривожланти-ришнинг асосий йўналишлари. Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2007. -16 бет.

Такризчилар: и.ф.д., профессор И.С.Тўхлиев,  
и.ф.н., доцент Б.А.Абдукаримов.

Рисолада Республикамиз иктисодиётида мухим ўрин тутувчи аграр соҳада сервис хизматини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳамда унинг 2007-2010 йилларга мўлжалланган истиқболлари караб чиқилган. Шу билан бирга қишлоқда агросервис хизматини ривожлантиришнинг объектия зарурлиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳам кўрсатиб берилган.

Рисола агросервис билан шуғулланувчи соҳа мутахассисларига мўлжалланган. Ундан олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари талаба ва ўқитувчилари, магистрлар, аспирантлар ва докторантлар, менежерлар, иктисадчилар ва бошқа шу соҳа билан қизикувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

И.Ф.Н., доцент Қ.Ж.Мирзаевнинг таҳрири остида



10 33801  
091

© Самарканд иктисадиёт ва сервис институти, 2007 й.  
© Кудратов Ғ.Х., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев М.Қ., 2007 й.  
© “Fan va texnologiya” нашриёти, 2007 й.

## КИРИШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва аҳолининг бандлик масаласини ҳал қилиш каби муҳим табирлардан бири хизмат соҳасини ривожлантиришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 2006 йилда мамалакатни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштиришининг энг муҳим устивор йўналишларига багишлантан Вазирлар Мажхамаси мажлисисида таъкидлаганидек, «ўз-ўзидан равшани, хизмат кўрсатиш ва сервисга бўлган талабанинг изчил ўсиб бориши билан бу соҳа нафакат аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, энг зарур замонавий хизматлар кўрсатиш, балки одамларнинг биринчи навбатда, кишлоқ аҳолисининг бандлик муаммоларини ҳал қилишда муҳим роль йўнаши керак» дир.

Аҳолини, айникса кишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашда ҳам сервиснинг аҳамияти катталигига охирги икки йил давомидаги маълумотларни таҳлил қилиш натижасида ҳам амин бўлдик. Бу масала истиқболда янада катта аҳамият касб этади.

Айнакса, аграр соҳада сервис хизматини ривожлантириш, такомиллаштириш борасида хукуматимиз томонидан чиқарилган хукукий-мөъёрий ҳужжатларнинг алоҳида ўрин бор. Жумладан, аграр соҳасидаги иқтисодий ислоҳатларни ривожлантириш талабидан келиб чиқсан ҳолда 2006 йил 9 январда «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2006 йил 23 марта «Шахсий ёрдамчи, дехкон фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги карор ва фармонларини қабул килинган эди. Бу хукукий мөъёрий ҳужжатлар аграр соҳада аҳолини иш билан таъминлашга, кишлоқда тадбиркорликни ривожлантиришга ва хўжалик юритувчи субъектлар сонини кўпайтиришга, аграр соҳада зеркин иқтисодиётни шакллантиришга жуда катта ёрдам бермокда.

Айникса Ўзбекистонда агробизнесни ривожлантиришга Президен-тимизнинг яна бир муҳим карори, яъни «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадвиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2006 йил 17 апрел) карори жуда катта аҳамият касб этади. Бу карор бу борадаги ишларни янада жонлантиришга кишлоқ инфраструктурасини кучайтиришга жуда катта имкон яратади.

Кишлоқ аҳолисини иш билан таъмилашга қаратилган хукумат тадбирлари изчиллик билан давом этиб келмокда. Ҳусусан, 2005 йил 20 июняда «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2006 йил 5 январда «Иирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2006 йил 9 январда «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2006 йил 23 марта «Шахсий ёрдамчи, дехкон ва фермер

хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рагбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги карор ва фармонларини кабул килган эди. Буларнинг хаммаси ахолини, айниқса кишлок аҳолисини, иш билан таъминлашга, тадбиркорликни ривожлантиришга, хўжалик юритувчи субъектлар сонини кўпайтиришга, эркин иктисодиётни шакллантиришга, мамлакатимизда ижтимоий-иктисодий баркарорликни таъминлашга каратилгандир.

Хуллас, сервисни ривожлантиришга ҳар томонлама зътиборнинг каратилаётганлигини мамлакатимиз Президенти ва Ҳукуматимизнинг кабул килган карор ва фармонларидан хам билиш мумкин. Агар 2006 йил 17 апрелида Президентнинг “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-325-сонли карори кабул килинган бўлса, 2007 йил 23 майда ушбу карарга янада аниқлик киритиш массадида “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” карори зълон килинди. Мазкур карорлар жойларда изчиллик билан бажарилмоқда. Ҳусусан, Самарканд вилояти хокимининг 2007 йил 29 майда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 майдаги ПҚ-640-сонли “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” карори ҳакида” 88-К-сонли карорини кабул килид. Самарканд вилоятида бундан ташкари яна “Вилоятда ҳалқаро ва ички туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” вилоят хокимининг 2006 йил 16 декабрда 182-К сонли карори кабул килинди.

Буларнинг хаммаси кўрсатадики сервис соҳасини ривожлантиришга, шу билан бирга агросервисни тараккий этиришга хам катта ахамият берилиб келинмоқда. Аммо бунинг ривожланишини таъминлаш учун ҳар бир ҳудуднинг ҳусусиятларини инобатга олиб унинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқик килишни такозо килади.

## 1. АГРОСЕРВИСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Республикамизнинг аграр соҳасини ривожлантириш иктисодиётнинг муҳим омилларидан биридир. Чунки, шу соҳанинг ривожланишини таъминлаш бевосита агросервисни ривожлантириш билан боғлиқдир. Бу эса бозор муносабатлари шаклланяётган шароитда кишлокда агросервис соҳасини жадал ривожланишини такозо килади.

Шуни эътироф этиш керакки, ушбу соҳа кишлокда жуда катта маблаг талаб килмаслиги, ҳамда арzon ишчи кучига эга эканлиги сабабли (Ўзбекистон аҳолисининг 63 % кишлокда истикомат килади) ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервисга бўлган эҳтиёжнинг юкорилиги билан характерланади.

Бирок мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, айниқса кишлок жойларида бу соҳанинг ривожланиши учун ҳеч кандай таъсиричан чоралар кўрилмасдан келинганилиги ҳакикат. Шу туфайли мазкур карорда: «Махаллий ҳокимият органлари раҳбарлари бу муҳим тармокка керакли даража зътибор каратмаётганлигига мутлоко токат килиб бўлмайди», деб таъкидланди.

<sup>1</sup> 2006 йилда республиканинг иктисодиётни ривожлантиришга вазувлари замонда 2007 йилда иктисодий ислоҳотларни чукурлантиришниң энг муҳим учтивор вунанишлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамаси мавзусининг карори. 2007 йил 12 февраль. Ҳаққ сўзи. 2007 йил 13 февраль.

Республикада хизмат кўрсатиш соҳасининг ялти ички маҳсулотдаги улуши 2005 йилда 38,3 фоизни ташкил килгани холда, мамлакатимиз ахолисининг истеъмол харажатлари таркибида хизматларнинг улушкига бор-йўғи 15,4 фоизни ташкил килади. Юкоридагилардан келиб чиқиб, 2006-2010 йилларда Президент карорга биноан, мамлакатимизда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини, шу жумладан агросервисни ривожлантиришининг ҳам асосий йўналишлари кўйидагилар хисобланади:

1. Хизматлар ва сервис соҳасида банд бўлган ахолининг сонини 2010 йилга бориб 1,6 марта га кўпайтириши инобат олиб қишлоқда бу соҳада ишловчиларни кўпайтириш.

2. Қишлоқ жойларда хизмат ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш, хусусан, қишлоқ ахолисига кўрсатилаётган хизматлар, биринчи навбатда, комунап-маиший, уй-жойларни таъмиrlаш ва қуриш, сувдан фойдаланиш, ветеринария, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва машина трактор парклари соҳасидаги хизматлар ҳажмии ва турларини янада ошириб бориш.

3. Қишлоқда анъанавий хизматлар турларини ривожлантириш ҳамда айрим буғунги кун талабига жавоб берадиган, аммо унучилиб кетилган аграр соҳадаги хизмат турларини излаб топиш ва уларни тиқлаш.

4. Фермер хўжаликлариаг агросервис хизматларининг консалтинг, юридик, банк, молия, сугурта, лизинг ва бошқаларни жадал ривиша да ривожлантириш.

5. Қишлоқда хизматлар экспортини кўпайтириш учун ушбу соҳа корхонларининг ҳалкаро бозордаги хизматлар даражаси ва сифатини оширишга эришиш.

6. Қишлоқда агробизнесни ривожлантирадиган хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ишлайдиган малакали кадрларни тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишга эришиш.

Бу борада айникса Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги (2006 йил 17 апрел) карорига асосан аграр соҳа билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар ажратиш ва шу асосида ахолининг бандлиги даражасини ошириш вазифасини юқлатилганлиги қишлоқ ахолиси учун жуда катта имкониятлар яратиб берилганигидан далолат беради.

Мамлакатимиз Президентининг касаначиликни ривожлантиришга килаётган зътибори қишлоқда бевосита хизматлар соҳасининг ҳам ривожланиши учун тегишила шароит яратади. Хусусан, 2006 йилда иктисодиётимизда амалга оширилган таркибий ўзгаришлар ва ўсиш суръатлари, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, одамларимизга касаначиликнинг турли шакллари билан шуғулланиши учун шарт-шароит яратиб бериш, муҳтоҳ оиласаларни чорва моллари билан таъминлаши борасида килинган кўпгина ишлар туфайли мамлакатимизда кариб 570 мингта иш ўрни яратилди. Айникса 2006 йилда Йирик саноат корхоналари билан кооперациялашиши негизида касаначилик фаол ривожланиб, унинг натижасида 60 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди<sup>2</sup>.

<sup>2</sup> Каримов И.А "Янгиданиш яв барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳарвакат килиш, ҳалқимиз учун фарован турмуш шароити яратиш – асосий вазифамийдир" – 2006 йилда республика ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иктисодий ислоҳотларни чукурлаштиришининг энг муҳим устувор Ўналишларига бағишланган Вазирлар Мажлисидаги меъруzasasi. 2007 йил 12 феврал. Ҳак сўзи. 2007 йил 13 феврал - 2-бет.

Мамлакатимиз Президенти касаначиликнинг ахамиятига тўхталиб, шуни алохида таъкидладики. «...биз катта сармоя, маблағ талаб килмайдиган касаначиликни йўлга кўйиш максадида жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналарида бекор ётган турли хил дастгоҳ ва ускуналарни кўлидан иш келадиган одамларга, оиласарга бердик. Натижада 60 минг одам, 60 минг оила кўшимча даромадга эга бўлди. Шу одамларнинг, айтиш мумкинки, дунёкараши ўзгарди. Улар энди ўз оиласи, болалари олдида бошини кўтариб яшайди, эл-юрт. Ватан равнакига ўз хиссасини кўшади<sup>3</sup>». Касаначилик орқали хизматларни ҳам, ахолининг бандлигини ҳам ривожлантириш учун катта имконият эканлигини унинг биргина носоноат соҳасида қўлланилаётган касаначилик меҳнатининг асосий турларининг рўйхатига назар солишнинг ўзи ҳам етарли, деб ўлаймиз.

### **Ўзбекистон Республикасининг носоноат соҳасида қўлланилаётган касаначилик меҳнатининг асосий турларининг рўйхати**

<b>Тармокнинг номи</b>	<b>Касаначилик меҳнатининг фойдаланилаётган турлари</b>
Курилиш	Хом гишт, дурадгорлик буюмлари (дераза ромлари, эшиклар), уларга ишлатиладиган деталлар ва фурнитура, кулолчилик-пардозлаш блокларини тайёрлаш, хисоб-китоб хужжатларини тайёрлаш, курилиш обьектлари дизайн ива безатилишини ишлаб чиқиш
Уй-жой коммунал хизматлари кўрсатиш	Диспетчерлик ишларини бажариш (тъъмирлаш талабномаларини кабул килиш ва таксимлаш), сантехника буюмларига ишлатиладиган деталларни тайёрлаш бўйича майда чилангарлик ишларини бажариш, ўлчаш асбобларини майда тъъмир ишларили бажариш
Маишӣ хизмат кўрсатиш	Кир ювиш ва ювилгани маҳсулотларни эгаларига етказиб бериш
Темирйўл транспорти	Кўрпа-ёстик буюмларини, матрасларни тикиш ва тъъмирлаш, йўл чицталарини уйга етказиб бериш, диспетчерлик-маълумот бериш ишларини бажариш
Авиация транспорти	Униформани ювиш ва тъъмирлаш, суннадиган ёстиқчалар учун сочиқлар тайёрлаш, маишӣ научникларни тъъмирлаш ва тиклаш, диспетчерлик маълумот бериш ишларини, таржима ишларини бажариш
Автомобил транспорти	Автомобилларга ишлатиладиган агрегатлар ва эҳтиёт кисмларни тиклаш ва тъъмирлаш
Алокса ва коммуникация	Почта конвертлари тайёрлаш, кабели телевидение сигналлари кучайтиргич блокларига хизмат кўрсатиш
Туризм ва меҳмонхона ишлари	Кир ювиш ишлари, жихозлар ва мебелни майда тъъмир ишларини бажариш, кичик меҳмонхоналари сакланмай, меҳмонхоналарида жойларни бронлаш бўйича диспетчерлик ишларини бажариш, буклетлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, кичик безатиш шаклларини ишлаб чиқиш
Товарлар тайёрлаш ва моддий-техник жиҳатдан тъъмирлаш	Шиша идиш йигиши ва бирдамчи ювиш, майда ва сочиувчан товарларни кадоклаш ва бутлаш, униформа тъъмирлаш ва ювиш

<sup>3</sup> Ўша жойда. 2 -бет.

Молия ва сугурта иши	Сугурта бўйича агентлик ишлари, бухгалтерия ишларини бажарниш
Маданият ва санъат	Буклетлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, кичик безатиш шаклларини ишлаб чиқиш, бадийи буюмларни реставрация қилиш ва тисклаш
Таълим	Компьютер тармокларида ўкув ахборотларини излаш в танлаб олиш, масофадан туриб ўқитиш ва маолаҳатлар бериш, репетиторлик қилиш
Ноишлаб чиқариш соҳасининг барча тармоклари	Махсус кийим тикини ва таъмирилаш, совға бўюмлари тайёрлапн, жихоз ва асблолар майдага таъмирини, матбаа-босма ишларини бажариш

Бу турдаги касаначиликларнинг деярли ҳаммасида хизмат кўрсатиш соҳасига оид фаолиятларнинг мавжудлиги билан бирга ҳаммасини кишлоқда ҳам ривожлантириш мумкинлигидадир. Булар ҳам кўрсатадики, кишлоқда ҳам хизмат ва сервис соҳасини ривожлантириш, унинг таркибида агросервисни тараккӣ этириш учун тегишли шароитлар яратилган. Аммо шуну эътироф этиш керакки, кишлоқда сервис соҳасини ривожлантириш бир хисобда мураккаблиги ва бир хисобда ўта осон ва арzonлиги билан характерланади. Шу туфайли ушбу ҳолатга ҳам алоҳида аҳамият бериш лозимидир.

## 2. КИШЛОҚДА СЕРВИС ХИЗМАТИ КЎРСАТИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш вазифаларидан келиб чиқиб агарар соҳада сервис хизматини ривож топишга имкон яратилди. Иктисадий адабиётлардан мъълумки «Сервис service-инглизча сўзидан олинган бўлиб, “ахолига майший хизмат кўрсатиш”ни англатади. Русча-ўзбекча лугутда «сервис-сервис» “ахолига хизмат кўрсатиш, хизмат”<sup>4</sup>, деб кўрсатилган. Кўриниб турбидики, сервис сўзи хизмат соҳаси билан ҳамоҳанг, бир-бира ўхаша синоним сўзларидир. Бизнинг тушунчамиз бўйича хизмат кўрсатиш сервисга нисбатан кенгрок бўлиб, у хизматнинг барча соҳасини, яъни ташкилотлар ва бошка хўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатишни камраб оладиган бўлса, сераис эса, хизматларнинг бир кисми бўлиб асосан одамларга ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ жараёнларга кўрсатиладиган хизматларни ўз ичига олади.

Республикамида кишлоқ хўжалиги мамлакат иктисадиётининг асосий тармокларидан бири хисобланиб, бу тармокнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 27 %ни ташкил этади. Шунингдек мамлакат ҳалқ истеъмоли фондининг 3/4 кисми бевосита кишлоқ хўжалик маҳсулотидан ёки кишлоқ хўжалик ҳом ашёсидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотидан иборат. Республика мизда жами валюта тушумининг 40-50%ини кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва улардан кайта ишланган товарларни сотишдан ташкил этади.

Агросервисни ривожлантириш мухим аҳамиятга эга бўлган кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳалқ хўжалигининг бошка тармокларидан фарқ қиладиган ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

<sup>4</sup> Ҳ. Қурдатов, М. Қ. Пардаев, Б. А. Абдукаримов Сервис ривожи – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фароқлигини ошириш омили. Услубий тавсия. Свиаркан, СибИСИ, 2007 й. 14-бет.

- кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг биринчи хусусияти шундан иборат, тармоқда ер-сув ресурслари, ўсимлик ва табиий ҳайвонот дунёси, тирик организмлар, биологик меҳнат воситаларидан фойдаланилади;

- иккинчи хусусияти шуки, бу тармоқда бош ишлаб чиқариш воситаси ер ресурслари хисобланади;

- учинчи хусусияти юкорида келтирилган икки хусусиятдан келиб чиқади. Унда такрор ишлаб чиқариш иктисадий жараёни табиат билан чамбарчас боғланган, маҳсулот ишлаб чиқариш биологик цикл билан боғлик;

- тўртинчи хусусияти тупрок-иклим шароитига боғлигидир. Кишлок хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги йиллар бўйича иклим шароитига ва обхавога караб ўзгариб турди, бу зса ўз навбатида чорвачиликнинг ривожланишига, кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигига тъсир қиласди;

- бешинчи хусусияти шуки, бу тармоқда сув ресурсларидан фойдаланиш мухим рол ўйнайди;

- олтинчи хусусияти – бу ерда иш вакти билан ишлаб чиқариш даври мос келмайди. Кишлок хўжалигига ишлаб чиқариш даври иш вактидан узокка чўзилади. Бу шу билан тавсифланадики, биологик жараён бевосита кишиларнинг иштирокисиз ҳам давом этаверади;

- еттинчи хусусияти шуки, бу тармоқ ўзининг ривожланиши жараёнида табиий ва иктисадий шароитларига караб ўзаро технологик боғлик бир неча тармок ишлаб чиқаришига ихтиослашади;

- саккизинчи хусусияти – бу ерда тайёр маҳсулот (ялпи маҳсулотнинг 20%) нинг бир кисми келгуси давр ишлаб чиқаришига, ишлаб чиқариш воситаси (урӯғ, ем-хашак, бузок ва х.к.) га киради.

Кишлокда 2007 йилда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳатларнинг ҳам асосий максади кишлоқ ҳалки фаровонлигини ошириш, уларга кўрсатилган хизматни яхшилаш, кишлокда ишсиёликни камайтириш, кишлоқ ахолисини муҳофоза килишга каратилган. Айникса фермер хўжаликларга сервис хизматини ўзига ҳос томонларини мавжудлигини алоҳида тъкидлаш зарур.

Кишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишда фермер хўжаликларига сервис хизматини кўрсатиш алоҳида аҳамият касб этади шу жихатдан кишлоқ хўжалигига фермер хўжаликларида сервис хизматини кўрсатиш соҳасини ўзига ҳос томонларини ўрганиш чукур илмий тадқиқотлар олиб боришини тақазо этади.

Мамлакатимиздаги ҳозирги шароитда кишлоқ хўжалигига фермер хўжаликларида сервис хизматини кўрсатиш куйидагилардан, яъни хўжаликларга банк хизмати кўрсатиш, нефть маҳсулотлари етказиб бериш, машина трактор хизматини ташкил этиш, сувдан фойдаланиш уюшмаси, Киме ва менерал ўғитлар тарқатиш шахобчаси, ахбарот таъминоти ва консалтинг хизмат кўрсатиш шахобчасидан фойдаланиш кабиларда намоён бўлмоқда.

Кишлоқ хўжалигига фермер хўжаликларига сервис хизмати кўрсатишнинг вазифаларидан келиб чиқкан ҳолда ўзига ҳос хусусиятлари куйидагиларда намоён бўлади.

- фермер хўжаликлари буюртмасига биноан уларнинг иш ҳаки ва унга тенглаштирилган тўловларни ўринатилган тартибида тезкор амалга оширишга ва айникса нақт пул маблаглари олиниш имкониятлари яхшиланади;

- фермер хўжаликларига бериладиган кредитлар, микрокредитлар берилиши имкониятлари хамда унга хисобланган фоизларни ўз вактида қайтарилишига имкон берилади;
- фермер хўжаликларнинг намунали хизмати бўйича тўловларни ортиқча харажатларсиз ўз вактида қайтарилишига имкон беради.
- фермер хўжаликларининг намунали хизмати бўйича тўловларни ортиқча харажатсиз ўз вактида туланиш имконияти яратилади.
- фермер хўжаликларнинг молиявий фолиятига доир маслаҳат хизматлари: кўрсатиш, шунингдек банк хизматлари юзасидан маслаҳат ва уларнинг ходимлари ўзларининг молиявий маблағларининг ҳолати хамда ҳаракати тўғрисида доимий равиша зарурий маълумотларга эга бўладилар.

Фермер хўжаликларига сервис хизмати кўрсатишида энг муҳим хизматлардан бири хисобланган ёкилги мойлаш материаллари етказиб бориш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар мақкамасининг 2004 йил 5 февралдаги № 57 сонли «Махсулотлар хом ашёлаш материалларнинг юкори ликвидли турлари сотишнинг бозор меҳенизмларининг жорий этишга давом эттириш» тўғрисида карорига асосан амалга оширилмоқда.

Айникса, буни аграр соҳада автобензин, дизел ёкилгиси каби нефт маҳсулотларининг биржа ким ошди савдоларида сотиш ишлари белгиланган тартибда олиб борилган эди. Айни пайтда эркин сотувда бу жараён амалга оширилмоқда

Фермер хўжаликларига нефт маҳсулотлари етказиб бериш бўйича сервис хизмати кўрсатишининг ўзига хос хусусиятлари куйидагилар хисобланади:

- биринчидан, нефт маҳсулотлари етказиб бериш тартиби тузилган шартномалар асосида амалта оширилади ва шартномалар белгиланган технологик харита меъёрларидан келиб чиккан ҳолда тузилади;

- иккинчидан, давлат буюртмаси бўйича –пахта, галла етиштирувчи фермер хўжаликларига технологик харита меъёрларидан келиб чиккан ҳолда нефт базаси унитар корхонасидан маҳсус руҳсатнома асосида сервис хизматлари кўрсатилади;

-учинчидан, фермер хўжаликларига нефт маҳсулотлари етказиб бериш бўйича хизмат кўрсатишининг ўзига хос томонларидан Яна бири шундан белгиланган миқдордан ташкири хамда бошча кишилек хўжалиги учун нефт маҳсулотлари биржа очик савдолари орқали етказиб борилади;

- тўртинчидан, фермер хўжаликлиари биржа очик савдоларида малакали брокерлар хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлинади хамда энг муҳими фермер хўжаликлари темир йўл харажатларини ўз ичига оладиган нефт базасини устами нархларни тўланмайди хамда кўшимча киймат солигидан озод килинади;

- бешинчидан, фермер хўжаликлардан нефт маҳсулотлари етказиб бериш бўйича шартномаш шартларини ўз вактида бажариш, белгиланган барча меъёрий хўжатлар тўлиқ амал қилиш талаб этилади.

Фермер хўдаликларига мукобил МТП хизмат кўрсатишининг ўзига хос томонлари куйидагиларда намоён бўлади:

- фермер хўжаликларига мукобил МТП ўртасидаги сервис хизматлари белгиланган шартномалар асосида олиб бориш;

- мукобил МТПлар фермер хўжаликлари буюртмаси асосида барча хизматларни ўз вактида ва сифатли бажариш мажбуриятини олиш;

- фермер хўжаликлари мукобил МТПларни бажарадиган сервис хизматлари учун белгиланган тартибда пул маблағлари ўтказишлари хамда ўз вактида бажармаган хизматлар учун жарима санкцияларни белгилашни талаб килиш имкониятига эга бўлиш ва бошкалардан иборат.

### **3. 2007-2010 ЙИЛЛАРГА МҮЛЖАЛЛАНГАН АГРОСЕРВИСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БҮЙИЧА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР**

Кишлоқ хўжалиги ривожлантиришда ҳамда кишлоқда сервис соҳасини кенгайтиришда Президентимиз томонидан чикарилган қарор кишлоқда 2007-2010 йилларга мўлжалланган агросервисни ривожлантириш вазифаларини белгилаб беради. Ушбу вазифаларни белгилаш аграр соҳасидаги, айникса агросервисни ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш заруратидан келиб чиради. Олиб бориленган аграр соҳадаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики хозирги пайтда сервис тизимини кишлоқда ривожланишга тўсик бўлаётган асосий муаммолар куидагилар хисобланади.

- биринчидан, ёкилғи мойлаш материаллари таъминотидаги қийинчиликлар;
- иккинчидан, кимё ва менерал ўғит таъминотидаги етишмовчиликлар;
- учинчидан, маҳсулотларни қайта ишлаш ва сотишни яхши йўлга кўйилмаганлиги натижасида юзага келадиган қийнчиликлар.
- тўртинчидан, аграр соҳадаги кредит ва лизинг олишдаги қийинчиликлар;
- бешинчидан, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларни сотишдаги рўйхатга олиш, лицензиялаш кабилар натижасида юзага келадиган тўсиклар ва бошқалардан иборат. Ана шундай муаммоларни ўз вактида ечиш зарурлигини Мамлакатимиз Президентининг “2006 йилда мамлакатнинг иктисадий-ижтимоий ривожланиш якунлари ҳамда 2007 йилда иктисадий ислохотларни чукурлаштиришнинг муҳим устивор йўналишлари”га бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси йигилишидаги маъруzasида ҳам кўриш мумкин. Унда мамлакат ижтимоий-иктисадий ҳаётида рўй берәётган жараёнларни ҳар томонлама таҳлил этибина қолмасдан, ечимини кутаётган энг долзарб масалаларни ҳамда иктисадий тараккиёт йўналишларини ҳам белгилаб берди. Ушбу маърузада Ўзбекистон иктисадиёти янгиланиш, баркарор тараккиёт ва ҳар томонлама ривожланиш йўлидан ишонч билан одимлаб бораётгандигини, буларнинг барчаси ҳалкимиз учун фаровон турмуш шароитини яратишга каратилганлиги аниқ ва равшан килиб кўрсатиб берилди.

Мамлакатимизда 2006 йилда иктисадий ўсишнинг баркарор суръатлари таъминланди. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) 7,3 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 10,8 фоизга, истеъмол товарлари 20,6 фоизга, кишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш 6,2 фоизга, пулли хизматлар 19,3 фоизга, пудрат курилиш ишлари 12,8 фоизга кўпайди. Энг муҳим кўрсаткичлардан бири – инфляция даражаси 6,8 фоизга пасайди. Булардан кўриниб турибдики, мамлакат иктисадиёти баркарор ва изчил ривожланиш йўлидан кетмокда.

Будай ишларнинг пировард натижаси кишлоқ ахолисининг турмуш даражасини кўтаришга каратилган. Шу туфайли 2006 йилда ҳам ахоли турмуш даражасининг ва иш билан банд этишнинг изчил ўсиши таъминланди. Ишлаётгандарнинг реал иш ҳаки 36 фоизга, ахолининг реал даромадлари эса 22 фоизга кўпайди.

Кишлоқда ахолини иш билан таъминлаш масаласи мамлакатимиз Президентининг доимий диккат – эътиборида бўлиб келган масаладир. Айникса 2006 йил 9 январда “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иктисадий ислохотларни чукурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2006 йил 23 марта “Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари бунинг исботидир.

Буларни инобатга олиб мамлакатимиз Президенти 2007 йилда амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим еттига устивор йўналишларни ҳам белгилаб берди. Улар асосан агробизнес, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб – кувватлаш, ушбу асосида аҳолини иш билан банд этиш ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш, айниқса сервисни ривожлантириш оркали ушбу вазифаларга эришиш масалаларига каратилган. Мамлакатимиз Президентининг Вазирлар Маҳкамасини йигитлишида белгилаб берган "...икки ой муддатда 2006-2010 йилларда хизмат ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурини тақиидий кўриб чиқсинглар ва унга тузатишлар киритиш бўйича тақлифлар киритсинлар. Дастурда 2007 йилда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириб унинг ялли ички маҳсулотдаги улушини 42-43 фоизга етказиш, хизматларнинг янги, замонавий турларини кенг жорий этиш, ушбу соҳанинг аҳолини, биринчи навбатда кишлоқ жойларда иш билан банд килиш муаммоларини ҳал этишдаги ролини ошириш чора-тадбирлари назарда тутилсин"<sup>5</sup> деб айтган фикрлари мамлакатимизда агросервисни ривожлантиришда асосий дастур амал хисобланади.

Сервис соҳасини янада ривожлантириш максадида Самарканд вилоятида "2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш дастури" кабул килинган. Ушбу дастурда 2006-2010 йилларда кишлоқда истеъмолчилар как-хукукини ҳимоя қилиш, маслаҳат марказлари, 162 та шахар ва туман марказларида доимий ишловчи кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо килувчи ярмаркалар ташкил қилиш режалаштирилган. 2010 йилга кадар аҳолига транспорт хизмати ҳажмини кишлоқ жойларида 1,8 марта га ошириш белгиланган. 2006-2009 йилларда 324 та кишлоқ аҳоли пунктлари марказлаштирилган сув тармоғи билан таъминланади.

2006-2010 йилларда аҳолига майший хизмат кўрсатиш шахобчалари сони ортиб, хизмат ҳажми кўпаяди, аҳолига айниқса, кишлоқ ахолисига намунали ва замонавий хизмат кўрсатиш тизимини яратиш режалаштирилган. Бунинг учун 7461 та янги иш ўринлари, 2000 дан ортиқ хизмат кўрсатиш шахобчалари ташкил килиниш белгилаб кўйилган.

Шундай экан, юкорида кептирилган вазифаларни бажариш асосида хизмат ва сервис соҳасининг ички ҳудудий маҳсулотдаги хиссаси 2010 йилда 49,0 % га (хозирги кунда 31,9 % ни ташкил киласди) етказиш кўзда тутилмоқда. Бунинг асосий қисми агросервис хизмати бўлиб колади.

Агросервисни ривожлантириш бўйича 2006-2010 йилларда Президент карори билан тасдиқланган дастурга ва 2007 йилга мўлжалланган мамлакатимизда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларида белгиланган вазифаларги биноан 2007 йилда ва яқин келажакда кўйидатиларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- мамлакатимизда, айниқса кишлоқ жойларда хизмат ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш, хусусан, кишлоқ ахолисига кўрсатилаётган хизматлар, биринчи навбатда, коммунал-майший, уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш, сувдан фойдаланиш, ветеринария, кишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва кайга ишлаш ҳамда машина трактор пархлари соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турларини янада ошириб бориш масаласи ҳам ўта долзарб масалалардан бири хисобланади;

<sup>5</sup> -2006 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари камда 2007 йилда ижтисодий испоҳотларни чуку рашифтиришнинг энг ықувви устувор йўналишлари тўғрисиде" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижтисодий яхори 2007 йил 12 феврал. Хало сўзи 2007 йил 13 феврал.

– мамлакатимизда, энг аввало қишлоқ жойларда анъанавий хизматлар турларини ривожлантириш, шу билан бирга айрим бугунги кун талабига жавоб берадиган, аммо қишлоқда унитилиб кетилган хизмат турларини излаб топиш ва уларни тиклаш масаласи ҳам кун тартибидаги мухим масалалардан бири бўлиб, уни ривожлантириш ва такомиллаштиришни рагбатлантириш механизмларини ишлаб чикиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада ҳар бир ҳудуд ўзига хос ҳусусиятларга эга. Буларни жонлантириш масаласи маҳаллий ҳокимликлар диқкат марказида бўлмоғи лозимлиги Президентимиз томонидан алоҳида таъкидланди;

– 2007 йилда бошқа хизмат турлари билан бирга хизматларининг янги истиқболли турларини, ҳусусан фермер хўжаликларига юридик, консалтинг, банк, молия, сугурта, лизинг ва бошқаларини жадал равишда ривожлантириш масалалари ҳам кўзда тутилганлиги ва уни тез суръатларда амалга оширилиши мухим вазифалардан ҳисобланади;

– 2007 йилда агросервис соҳасида яна бир мухим вазифалардан бири, агарро соҳада хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, кайта тайёрлаш ва малакасини оширишини ҳар томонлама кўллаб-кувватлашни амалга оширишдир. Буни амалга оширишда ўкув юртлари, маҳаллий ҳокимиятлар ва соҳа ҳодимлари ҳамжиҳатлигини таъминлаш масаласи ҳам жiddий масалалардан биридир. Буларнинг аник чоралари белгилад олиниши мақсадига мувофиқиди;

– Қишлоқда кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳозирги шароитда асосан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси билан боғлиқ бўлиб колмокда. Шу жиҳатдан кўриниб турибдики агросервис соҳасини ривожлантириш ахолининг даромадларини кўпайтириш, турмуш даражасини оширишнинг ўта мухим шарти бўлган қишлоқ ахолисининг бандлик малакасининг ҳам ҳал бўлишини таъминловчи мухим омиллардан биридир. Президентимиз таъкидлаганидек: “2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини биричи наебатда қишлоқ жойларда ривожлантириш лозим”<sup>6</sup> лигидан келиб чиқиб катта инвестиция талаб қилмасдан кўплаб янги иш ўринларини яратиш имкониятини излаб топиш;

– агросервис соҳасини ривожлантириш бандлик муаммосини, айникса, хотин-кизлар, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, оиласларнинг даромадини сезиларли даражада кўпайтириш, бутун мамлакатимиз ахолисининг фаровонлигини ошириш имконияти яратилади. Бу биринчидан қишлоқ ахолисини иш билан таъминлаш орқали оиласларнинг аник даромадларини кўпайтиришга хизмат килса, иккинчидан қишлоқ жойларида мамлакатимиз бозорини хизматларга бўлган эҳтиёжини кондириш орқали ахолининг турмуш даражасини ошишига сабаб бўлади.

Умуман юкорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимизнинг барча тармоқларда, жумладан агарро соҳада хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига муттасил эътибор берилиши, мамлакатимиз иктиносидётини ривожлантиришнинг ҳозирги ва яқин келажакдаги устивор вазифаларидан бири эканлиги билан характерлидир.

<sup>6</sup> Каримов И.А. Эршилган ютукларни мустахкамлаб, янги мэрралар сарі изчили ҳаракат килишимиз лозим. Президент Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иктиносидой ислохотларни чукурлаштиришнинг энг мухим устувор Ўналишларига бағишилган Вазирлар Мажхисидаги маъруzasи. Ҳалқ сўзи. 2006 йил 11 февраль 2-бет.

Мамлакатимизда, шу жумладан, кишлок жойларда ҳозирги пайтда шахсий автомобиллар сони жадал ривожланмоқда. Бу эса, ўз навбатида автомобиллар ва бошқа техника воситаларини таъмирлаш хизматини ривожлантиришни тақозо килади. Чунки ҳозиргача кишлок жойларда автомобил сервиси яхши ривожланмаган. Шу туфайли, бу хизмат турлари ҳам келажакда кескин ривожланади. 2010 йилда 2006 йилга нисбатан мазкур хизматларнинг ҳажми 2,1 мартаға оширилиш кўзда тутилган. Ушбу хизмат тури 2007 йилда 117,0 % оширилиши белгилаб берилган. 2008 йилда унинг ҳажми 119,0 %, 2009 йилда – 121,0 ва 2010 йилда ҳам 124,0 % ўсиши мулжалланмоқда. Мамлакатимизнин автомобил чиқарувчи давлатлар қаторидан ўрин олиши, бу борада икките йирик заводларимизнинг ишлаб туриши мазкур хизматларни келажакда ҳам янада ривожлантиришни тақозо килади.

Агарда ҳар бир кишлок фуқаролар йигинларида биттадан автосервис шахобчалари ишга туширилса факат Самарқанд вилоятида бир мингдан зиёд янги иш ўринлари факат шу битта хизмат туридан очилади. Демак, булардан ҳам кўриниб турибдики, хизматларни ривожлантириш масаласи нафакат хизматларга бўлган эҳтиёжни кондириши, балки ахолини иш билан таъминлашни ҳам йўлга кўядиган муҳим соҳаларданdir.

Кишлок жойларда хизматнинг болаларни согломлаштириши ва болалар спортини ривожлантириш билан боғик турлари ҳам хизматлар ичida алоҳида ўрин ва нуфузга эга. Шу туфайли мазкур хизматларни ривожлантириш масаласи ҳам муҳимлигича колмоқда. 2010 йилда 2006 йилга нисбатан мазкур хизматларнинг ҳажми 1,9 мартаға оширилиш кўзда тутилган. Ушбу хизмат тури 2007 йилда 114,7 % оширилиши белгилаб берилган. 2008 йилда унинг ҳажми 116,7 %, 2009 йилда – 108,6 ва 2010 йилда ҳам 121,0 % ўсиши мулжалланмоқда. Бу тур хизматларнинг ҳам истикболи парлек. Чунки мамлакатимизда деярли барча ахолининг ярма ёш болалардир. Ёшлик шижоати бу тур хизматларга муҳтоҷлиги билан характерлидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хизматларнинг бу болаларни согломлаштириш ва болалар спортини ривожлантириш билан боғик турларни кишлок учун жуда аҳамиятлидир, чунки кишлокда ахолининг учдан бир кисми яшаши билан бирга у ерда тугилиш даражаси ҳам юкори. Бу эса кишлокларда болаларнинг кўплиги ва уларга мазкур хизматларни кўрсатишнинг зарурлиги билан характерланади. Бу объектив зарурят, кишлокда болаларни согломлаштириш ва болалар спортини ривожлантириш билан боғик хизматларни жадал ривожлантиришни тақозо килади.

Барча юкорида келтирилган хизмат турларининг истикболини алоҳида ҳудудлар бўйича ҳам 2007-2010 йиллар давомида ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган. Унга кўра мамлакатизидаги белгиланган ўсиш суръатини кайси ҳудудлар эвазига таъминлаш масаласи яккот кўзга ташланиб турибди. Буларнинг холатини таҳлил килганда Самарқанд вилоятининг ўзига хос ўрни борлигини кўрамиз. Бу масалага алоҳида тадқикот иши бағишлиланганлиги туфайли мазкур рисолада факат уни златиш билан чекланамиз.

Кишлокда сервис хизматини, шу жумладан, агросервис соҳасини ривожлантириш кишлок ахолисининг даромадларини кўпайтиришнинг кишлокда ахоли турмуш даражасини оширишнинг ўта муҳим шарти бўлган ахолининг бандлик масаласининг ҳам ҳал бўлишини таъминловчи муҳим омиллардан бири сифатида жадал ривожлантиришни тақозо этади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Президентнинг ПК-325-сонли карори. 2006 йил 17 апрель.
2. “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Президент карори. 2007 йил 23 май.
3. “Вилоятда ҳалқаро ва ички туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Самарканд вилоят ҳокимининг 2006 йил 16 декабрда кабул килинган.
4. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 майдаги ПК-640-сонли “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” карори ҳакида” Самарканд вилояти ҳокимининг 2007 йил 29 майда кабул килган 88-К-сонли карори.
5. Каримов И.А. “Янгилангиш ва баркарор тарақкиёт йўлидан янада изчил харакат килиш, ҳалкимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир”. 2006 йилда республикамиз ижтимоий-иктисодий ривожланиш якунлари ҳамда 2007 йилда иктиносидий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига багишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2007 йил 12 феврал. Ҳалқ сўзи. 2007 йил 13 феврал.
6. 2006 йилда республика ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иктиносидий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг карори, 2007 йил 12 феврал. Ҳалқ сўзи. 2007 йил 15 феврал.
7. Каримов И.А.. Эришилган ютукларни мустахкамлаб, янги марралар сари изчил харакат килишимиз лозим. Президент Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иктиносидий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига багишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Ҳалқ сўзи. 2006 йил 11 феврал. 2-бет.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги карори. 2006 йил 17 апрел. Ҳалқ сўзи. 2006 йил 18 апрел.
9. Ф.Х.Кудратов, М.Қ.Пардаев, Б.А.Абдукаримов. Сервис ривожи – ахолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили. Услубий тавсия. Самарканд, СамИСИ, 2007, 14-бет.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
1. Агросервисни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари .....	4
2. Кишлекда сервис хизмат кўрсатишни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари .....	7
3. 2007-2010 йилларга мўлжалланган агросервисни ривожлантириш бўйича вазифалар .....	10
Фойдаланилган адабиётлар .....	14

Ғ.Х.Кудратов, Ҳ.Ж.Мирзаев, М.Қ.Пардаев

## АГРОСЕРВИСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Тошкент- «Fan va texnologiya» - 2007

Мухаррир: М.Миркомилов  
Тех.муҳаррир: Г.Арифходжаева

Босишига руҳсат этилди: 11.10.07. Бичими 60x84<sup>1/6</sup>.  
Офсет усулида чоп этилди. «Times New Roman» гарнитураси.  
Шартли босма табоги 1,0. Нашр босма табоги 1,25. Адади 1000.  
Бюргтма № 137

«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.  
700003, Тошкент ш., Олмазор кўчаси, 171-уй.